

**ШАРТНОМА № 10/2022п**  
**(лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш тұғрисида)**

“26” декабрь 2022 йил

Тошкент шаҳри

Хоразм давлат үрмон хўжалиги номидан Низом асосида иш юритувчи директори **Х.Худойберганов** бир томондан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади ва “Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Р.Р.Абдириров**, кейинги ўринларда “Лойиҳачи” деб юритилади, иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

### **I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи худудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя үрмонзорлари барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тұғрисида”ги 31-сонли қарорининг 1-иловасига асосан **Лойиҳачи, Хоразм вилояти Тупроққалъя туманидаги 10000 гектар ерларда “яшил қопламалар”** барпо этиш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради ҳамда уларни давлат экспертизасидан ўтказади.

1.2. **Буюртмачи** ўз навбатида **Лойиҳачи** билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган худудларда “яшил қопламалар”- ҳимоя үрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 132-сонли қарорида “Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти бош лойиҳачи этиб белгиланганлиги сабабли давлат буюртмачиси сифатида тұғридан тұғри шартномалар тузиб, қонуний тартибдаги тўловларни амалга оширади.

### **II. ЛОЙИҲА-СМЕТА ИШЛАРИНИНГ ҚИЙМАТИ**

2.1. Шартноманинг умумий қиймати **111 697 521 (Бир юз ўн бир миллион олти юз тўқсан етти минг беш юз ийгирма бир)** сўм микдорида белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 19.08.2019 йилдаги 396-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Лойиҳа-тадқиқот ишлари қийматини аниқлаш тартиби тұғрисидаги Низомининг 3-иловасига асосан қурилиш умумий қийматининг 4,4%).

2.2. **Буюртмачи** мазкур шартнома бўйича **Лойиҳачига** шартнома умумий қийматининг **30%** микдорида бўнак тўлаб беради. Сумманинг 70% ишлар бажарилиб, икки томонлама имзоланган бажарилган ишлар тұғрисидаги далолатнома асосида тўлаб берилади.

2.3. Смета хужжатлари юзасидан давлат экспертизасининг хулосасида кўрсатилган **Буюртмачининг** харажатлари ичida лойиҳа-смета ишларининг салмоғига қараб мазкур шартноманинг якуний суммаси кўпайиш ёки камайиш томонга ўзгариши мумкин. Бу ҳақда қўшимча келишув тузилади ва у мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. **Лойиҳачи** мазкур шартноманинг 1.1. бандида назарда тутилган барча ишларни бажариб, тегишли 4.1. бандда кўрсатилган муддатларда хужжатларни **Буюртмачига** топширади.

3.2. **Буюртмачи** **Лойиҳачига** тегишли хужжатларни бериш, молиялаштириш жадвалига биноан бўнак бериш ва тўлик молиялаштиришни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

### **IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

4.1. Ишларни бажариш муддати объект бўйича шартнома имзоланиб, 30% бўнак тушган кундан эътиборан 60 иш кунини ташкил этади.

4.2. Шартнома 31.12.2022 йилгача амал қиласы.

### V. ФОРС-МАЖОР

5.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаса жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатлар юзага келган даврга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан ортиқ даврга чўзилса, у ҳолда **Лойиҳачи** ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилиши масаласини ўзаро ҳал этадилар.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди.

6.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, ўз вақтида молиялаштирганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун айбор томон кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пена тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

### VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда вужудга келадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқлади.


### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### БЮОРТМАЧИ:

##### Хоразм давлат ўрмон хўжалиги

Манзил: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси  
123-үй СТИР: 200408996

Молия Вазирлиги Газначилиги  
Банк: Тошкент шаҳар Марказий банк  
ХККМ  
СТИР: 201122919, МФО: 00014  
Х/Р: 23402000300100001010  
ШХР  
2021: 400121860334017042203142001

Директор  Кудайберганов

Юрист: 



#### ЛОЙИҲАЧИ:

##### “ЎРМОНЛОЙИҲА”

##### лойиҳалаш институти

Манзил: Тошкент шаҳар Мирзо  
Улугбек тумани Дўрмон йўли кўчаси  
2а-үй  
х/р: 2021 0000 0001 3591 3001  
Банк: АТБ “Халқ банки” Чилонзор  
филиали МФО: 00 825  
СТИР: 200993294 ОКЭД: 02 400

Директор  Р.Р.Абдириев

